

**“УзЧасис” МЧЖ ҚҚ**

**Бош директори**

**Б.К.Абдурахмонов**

**“05” январь 2025 йил**

**“УзЧасис” МЧЖ Комплаенс хизмати томонидан 2024 йилнинг 12 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакиллари мурожаатларини кўриб чиқиш**

## **ТАҲЛИЛИ**

**05.01.2025 йил**

**Андижон шаҳар**

“УзЧасис” МЧЖ томонидан жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек уларнинг вакиллари мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш, қонун доирасида ижобий ҳал қилиш, аҳолининг тизимдан розилигини ошириш алоҳида муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Шу жумладан, жамиятнинг Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаментига келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этиб келинмоқда.

Жамиятда мурожаатларни кўриб чиқишда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг 28.12.2016 йилги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2018 йилги 341-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат ташкилотларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом ва бошқа қонун-ҳужжатлари талабларига риоя этилмоқда.

Соҳада ишларни самарали ташкил этиш ва ходимларнинг бу борадаги масъулиятини янада ошириш мақсадида, мурожаатларни кўриб чиқиб, ҳал этишга оид муносабатларни тартибга солувчи жамиятнинг ички ҳужжатлари, хусусан, “Ўзавтосаноат” АЖда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинган.

Бундан ташқари, “Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида “УзЧасис” МЧЖга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти қабул қилиниб, жамиятдаги алоқа каналлари

орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлаш тартибини белгилайди.

Жамиятда 2024 йилнинг 12 ойи давомида жами 236 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатлар тегишлилигига кўра, корхона бўлимларига чиқарилиб назоратга олинган.

Мазкур мурожаатларнинг 157 таси "Узавтосаноат" АЖ орқали жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ва 79 таси юридик шахслар бевосита ўзлари томонидан юборилган.


Жамият томонидан ташкил этилган алоқа каналлари, хусусан "Facebook", "Telegramm" ижтимоий тармоқлари, ишонч телефони ва расмий веб сайти орқали мурожаатлар келиб тушмаган.

Кўриб чиқилган мурожаатлар мазмуни таҳлил қилинганда, уларнинг 1 таси ишга жойлашиш; 79 таси корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олиш, 116 таси корхонамиз билан ҳамкорлик қилиш юзасидан мурожаатлари, 12 таси укув қурсларида ишторок этиш, 4 таси турли тарғибот материалларни сотиб олиш юзасидан, 8 таси Республикада ташкил қилинаётган кўргазмаларда иштирок этиш, 9 таси семинарларда қатнашиш, 7 таси бошқа масалалар ҳақида бўлган.

Шу билан бирга, жамият ходимларида коррупцияга қарши муросасиз муносабатни янада кучайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш чоралари кўриб борилмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида, жамият ходимлари томонидан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

**Комплаенс хизмати бошлиғи**



**Гафуров Т.Б.**